

ШИФОБАХШ АНОР - PUNICA GRANATUM L.

*Самарқанд Давлат Тиббиёт университети, Фармация факултети,
фармакогнозия ва фармацевтик технология кафедраси.*

Хасанова Гулбаҳор Раҳматуллаевна

201-гурух талабаси Лапасов Ойбек Даврон ўгли

Аннотация. Тирик табиат инсонга хизмат қилади десак хато килмаймиз. Чунки яратилган мева-сабзавот деймизми, ўт, яшил дунё барча барчаси фақатгина тирик мавжудотга хизмат қилади. Улардан инсон озиқ-овқат, шифобахш ўтлар, дори-дармонлар, энгил саноатда, халқ хўжалигида, чорвачиликда ва бошқа эҳтиёжлари учун фойдаланадилар. Шулардан бири биз кўп истеъмол қиладиган анор хақида фикрлашамиз.

Калит сўзлар: Аминокислоталар, мой, уруғ, аччиқ, танин, алкалоид.

Аннотация: Не будет ошибкой сказать, что живая природа служит человеку, потому что, говорим ли мы о сотворенных фруктах и овощах, о зеленом мире, все служит только живым существам. Люди используют их в пищу, лекарственные травы, лекарства, легкую промышленность, хозяйство, животноводство и другие цели. Одним из них является гранатовый растение, который мы едим очень много.

Ключевые слова: Аминокислоты, масло, семена, горечи, дубильные вещества, алкалоиды.

Annotation: It will not be a mistake to say that living nature serves man, because whether we are talking about created fruits and vegetables, about the green world, everything serves only living beings. People use them for food, medicinal herbs, medicines, light industry, farming, animal husbandry and other purposes. One of them is the pomegranate plant, which we eat a lot.

Key words: Amino acids, oil, seeds, bitterness, tannins, alkaloids.

Анор ўсимлиги Ўзбекистонда жуда кўп учрайдиган мева бўлиб, айрим туманларда айникса жанубий вилоятларда, водийда уларнинг жуда кўп тури мавжуд. Анор таркиби жуда турли табиий бирикмалар синфига мансуб моддаларлардан иборат. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, флавоноидлар ва танинлар миқдори ёввойи турларда маданийлаштирилган турларга қараганда кўпроқдир. Сурхандарё, Қашқадарё, Фарғона вилоятларда жуда кўп етиштирилади.

Анор ўсимлиги пўстлоғи таркибидаги мураккаб полисахаридлар: гидроксibenзой кислоталар: галл кислота, эллаг кислота; гидроксидолчин кислоталари: кофе кислота, хлороген кислота, н-кумарин кислота; циклитол

карбоксил кислота: хинин кислота. Флавои-3-оллар/Флавоиоллар ва уларнинг гликозидлари: катехин, эпикатехин, эпигаллокатехин-3-галлат, кверцетин, кемпферол, лутеолин, рутин, кемпферол-3-Огликозид, кемпферол-3-О-рамногликозид, нарингин. Антоцианинлар: цианидин, пеларгинидин, делфинидин; эллагитаннинлар: пуникаллин, пуникалагин, корилагин, касуаринин, галлагилдилактон, педункулагин, теллимаграндин, гранатин А, гранатин В. Алкалоидлар: пеллетеренлар ва изопеллетеренлар мавжуд.

Унинг барглари кўплаб бирикмалар эллаг кислота, бревифолин, галл кислота, лутеолин 4'-О-β-гликопиранозид киради. Кониферил 9-О-[β-D-апиофуранозил(1→6)]-О-β-D-гликопиранозид ва синапил 9-О-[β-D-апиофуранозил(1→6)]-О-β-D-гликопиранозид ҳамда 3,3'-ди-О-метилэллаг кислота, 3,3',4'-три-О-метилэллаг кислота, фенилэтил рутинозид, икаризид D ва даукостерин мавжуд *Punica granatum* L.нинг уруғларидан ажратиб олинган.

Анор уруғларидан олинган мой умумий уруғ оғирлигининг 12–20% ни ташкил этади. Мой таркибидаги линолен кислотасининг миқдори уруғ мойининг тахминан 7% ни ташкил этади. Ёғ кислоталари анор уруғларидан олинган мойининг 95% дан кўпроғини ташкил этиб, унинг 99% триацилглицероллардир. Мой таркибидаги камроқ миқдорга эга компонентлар ичига қуйидагилар киради: стероллар, стероидлар, токофероллар ҳамда цереброзидлар. Анор уруғи мойи антиоксидант хусусиятга эга ҳисобланади. Мойни гепатитга таъсири ўрганилган. Уруғ қобиғи лигнинлар, гидроксibenзой/долчин кислоталар, изофлавоиоллар ва кучли антиоксидант хоссага эга лигнин ҳосилаларини ўз ичига олади. Анор ўсимлиги уруғлари таркибида аниқланган асосий кимёвий бирикмалар: тритерпенлар: урсол кислота, олеанол кислота; изофлавоиоллар: генистеин, даидзеин; фенил алифатик гликозидлар/ лигнинлар: кониферил-9-О-[β-апиофуранозил(1→6)]-О-β-D-гликопиранозид, синапил-9-О-[β-D-апиофуранозил(1→6)]-О-β-D-гликопиранозид, фенилэтил рутинозид, икаризид D [6]. Анор ўсимлиги юзлаб кимёвий бирикмаларни ўз таркибида тутди ва улар меваси экстрактида турли-туман биологик фаолликни намоён қиладилар. Анор гулларидан таркибида пуницин бўлгани сабабли турли буёқлар олинади.

Халқ хўжалигида анордан турли шарбатлар, сироплар, тайёрланади. Таркибида ошловчи моддалар борлиги сабабли, терини ошлашда ишлатилади.

Халқ табобатида анемияда, иштаҳа очишда, пневмонияда, дизентерияда, ич кетишда аччиқ –ширин таъми бўлгани сабабли қандли диабет касалликларида ишлатилади. Анор пўстлоғларидан дамлама, қайнатмалар тайёрланади.

20 гр анор пўстлоғидан олиб, 200гр мл сув солиб, секин 30 мин қайнатилади. Совитиб, сузиб 2 ош қошиқдан 2 маҳал кунига ичилади.

50гр анорни мевасини ,200гр сувга солиб, қайнатамиз ,совутиб, тиндириб 30 граммдан 2 маҳал овқатдан кейин ичамиз.

1 стакан анор сувига 1 ош қошиқ касал аралаштириб 1 қошиқдан 3 маҳал истеъмол қиламиз(тиш, кулоқ оғригида)

Анор пўстлоғидан 20 гр олиб, 100гр сувга солиб қайнатамиз, тиндириб оч қоринга 1 чой қошиқдан 1маҳал кунига болаларга ичираамиз(гижжага карши).

Қадимги тиббиётда Муҳаммад Хусейн Шерозининг айтишича анор, жигарни тозалайди, сариқликни, талокни ва қонди тозалайди. Теридаги кўтир, қичима касалликларида ишлатилади. Анордан олинган лимон кислотаси, қонди консервация қилишда ишлатилади. Гиппократ ошқазон яра касалликларида анор сувини (аччиқ, ширин) тавсия қилади. Ибн Сино анор тўғрисида организмни тозалаш ва буриштирувчи таъсирга эга эканлигини айтиб ўтган.

Ножўя таъсири. Таркибида алкалоид бўлганлиги сабабли, қайнатмадан катта дозада истеъмол қилганда бош айланиши, ҳолсизлик, қайт қилиш, қабзият, кўриш қобилятини сусайтиради.

Хулоса. Мева ва сабзавотлар инсон саломатлигини сақлаш учун курашда асосий ўринни егаллайди. Табиатнинг ана шу муқаддас неъматларига замонавий инсон нигоҳи, замонавий фармакогнозия, фармакология, кимё ва гигиена нуқтаи назаридан қараш керак. Фақат тинимсиз меҳнат, ижодий изланишлар, комплекс токсико-фармакологик, гигиеник, клиник ва фитокимёвий тадқиқотлар, мева-сабзавотлардан шунингдек, бошқа бир қатор истеъмол қилинадиган о'симликлардан доривор ва парҳез маҳсулот сифатида оқилона фойдаланиш бўйича тўғри тавсиялар берилган деган умиддамиз

Адабиётлар

1. Yuldashev, S., Halimbetov, Y., Usmanova, M., Naimova, Z. S., & Khamraeva, M. (2021). National Processes In Uzbekistan And The Formation Of The Internationalist Maturity Of The Younger Generation. *The American Journal of Medical Sciences and Pharmaceutical Research*, 3(06), 167-175.

2. Хасанова, Г. Р., & Усмонова, М. Б. (2022). Применение фасоли (phascolus) в медицине. *Science and Education*, 3(11), 117-125.

Sh, A., Kuylieva, M. U., & Usmanova, M. B. (2022). Application of phytotherapy in the treatment of chronic prostatitis. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(5), 466-470.

3. Sh, A., Kuylieva, M. U., & Usmanova, M. B. (2022). Application of phytotherapy in the treatment of chronic prostatitis. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(5), 466-470.

4. Имамова, Ю. А., & Усмонова, М. Б. (2022). РОДИОЛЫ РОЗОВАЯ ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ РАБОТОСПОСОБНОСТИ ОРГАНИЗМА. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 4-2), 901-904.

5.Имамова, Ю. А., Усманова, М. Б., & РОДИОЛЫ, Р. ORIENSS. 2022. № Special Issue 4-2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/rodioly-rozovaya-dlya-povysheniya-rabotosposobnosti-organizma>.

6.Усманова, М. Б., & Имамова, Ю. А. (2022). ЛУК РЕПЧАТЫЙ– ПРИМЕНЕНИЕ В МЕДИЦИНЕ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 4-2), 914-917.

7.Кўйлиева МУ, Э. М., Усмонова, М., & Имамова, Ю. (2021). General information on the age of Chilonjtyda, its composition, application in folk medicine, its features and their different types, conditions for cultivation. *Шкурова, Д., Усманова, М., & Имамова, Ю.*

8.Usmanova, M., & Toshpolatov, C. Endocrine gland system, humoral management of the organism. *Researchjet journal of analysis and inventions In Voiume, 1.*

9.Шкурова, Д., Усманова, М., & Имамова, Ю. (2021). Private technology of powders Preparation of powders with abrasives, dyes and hard powders, extracts and essential oils. *Экономика и социум, (11), 90.*

10.Usmanova, M., & Yuldoshev, C. Importanse of lipids in the cell, simple and kompleks lipids, classification. *Researchjet journal of analysis and inventions.*

Imomova, Y., Usmonova, M. B., Yo‘Ldoshev, S., & Ahmadov, J. (2021). DORI VOSITALARINING ZAMONAVIY TAHLIL USULLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(8), 587-596.

11.Усманова, М., Эрназарова, М., Куйлиева, М., & Хасанова, Г. (2021). Дорихона фаолиятини ташкил этиш, дорилар саклаш чора тадбирлари. *Экономика и социум, (11), 90(6).*

12.Хасанова, Г. Р., Усманова, М. Б., & Нажмитдинов, Х. Б. (2022). ВИТАМИНГА БОЙ ЛОВИЯ (PHASCOLUS) ЎСИМЛИГИНИНГ УМУМИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(9), 333-336.

13.Хасанова, G. R., Ernazarova, M. E., & SHIFOBASH, Q. O. T. F. J. ORIENSS. 2022. № Special Issue 4-2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/shifobash-qoqi-otining-foydali-jihatleri>.

14.Yakubova, Sarvinoz Raxmonqulovna, & Xasanova, Gulbaxor Raxmatullayevna (2022). КАМҚОНЛИК НАҚИДА ТУШУНЧА. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, (Special Issue 4-2), 897-900.

15.Mirzoyeva, F. A., Imamova, Y. A., & Meliqulov, O. J. (2022). Medicinal plants and their properties. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(4), 1140-1144.

16.[Ordinary mountain Basil-origanum vulgare](#)

GR Khasanova, SM Olimov

Web of Scientist: International Scientific Research Journal 3 (5), 471-474

[White mulberry](#)

17.GR Xasanova

Web of Scientist: International Scientific Research Journal 3 (4), 1240-1244

18.[СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ ТАРЗИ](#)

АШК Махмудова, КФУ Гайбуллаева, ГР Хасанова

Ta'lim fidoyilari 24 (17), 571-575